



БОЛАЛАР - ҚОЗОҒИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ ҚР ПРЕЗИДЕНТИ БОЛАЛАРНИ ТАБРИКЛАДИ

“Азиз юртдошлар! Барчангизни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан табриклайман! Ёш авлодга ғамхўрлик рамзига айланган ушбу байрам билан ёрқин ёз бошланади. Уғил-қизларимизнинг ҳар томонлама етуқ ва баркамол шахс сифатида камол топиши учун шарт-шароит яратиш, ёш фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, саломатлигини асраш ҳамisha давлатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Болалар Қозоғистоннинг келажаги. Шу боис мамлакатимиздаги ҳар бир бола меҳр ва ғамхўрликда вояга етиши, катталар томонидан қўллаб-қувватланишини ҳис қилиши, эртанги кунга ишонч билан яшаши муҳим. Ишончим комилки, ёш авлод “Адолатли Қозоғистон”нинг асосий тамойилларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этади ва “Адолатпарвар фуқаро” концепциясида белгиланган илғор ғояларга тўлақонли жавоб беради. Бунинг учун биз илғор жамият сифатида болалар онига миллий қадриятларимизни синдириб, уларда меҳнатсеварлик ва билимга интилиши, ўз она тарихи ва маданиятига ҳурмат туйғуларини шакллантиришимиз зарур. Барча фарзандлар ўз ота-оналари ва яқинларини ўқиб, ижодий ва спорт ютуқлари, эзгулик ва ижодкорликка интилишлари билан қувонтирсин! Барчангизга мустақкам соғлиқ, фаровонлик ва муваффақиятлар тилайман!”, дейлади Президент табригида.



БОЛАЛАР - ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРГОҲИДА!

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 81 нафар ўқувчи Қозоғистон Президентининг “Ақорда” қароргоҳига саёхат қилди. Мазкур саёхатда мамлакатнинг барча ҳудудларидан келган халқаро ва республика олимпиадалари ғолиблари, ижод ва спортда юксак ютуқларга эришган болалар, фаоллар, кўнгилчилар иштирок этди. Ўқувчиларга Давлат раҳбари номидан эсдалик совғалари топширилди. Мазкур тадбир иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг янада камол топиши учун шарт-шароит яратишда муҳим қадамдир. Аънаанага кўра, “Ақорда” ўз эшикларини янги авлодни юксак марралар сари илҳомлантириш, Қозоғистоннинг маданий ва ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирокини давом эттириш мақсадида очди.

ҚИЁСИ ЙЎҚ ЭЪТИБОР

ПРЕЗИДЕНТ ЁШ ОЛИМЛАР ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

ҚР Президенти Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Алматы шаҳрида ташкил этилган «Jas Galym. Science Quest» фестивалида иштирок этаётган болалар билан учрашди. Ҳар йили аънаваный тарзда ўтказиб келинаётган фестивал бу йил ҳам илм-фан мавзусига бағишланди. Қасим-Жумарт Тўқаев шаҳар ўқувчилари билан бирга «Science», «Engineering», «Art», «Technology» ва «Mathematics» станцияларида бўлди. Тадбирда иштирокчилар ўз илмий лойиҳаларини тақдим этдилар. Давлат раҳбари болаларни байрам билан табриклаб, келажак авлоддан умиди катта эканини таъкидлади. Шунингдек, ўсирилларнинг илмий изланишлари ва ижодини кучайтиришга кўшган ҳиссаси учун фестивал ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирди.

Akorda.kz.

Обуна-2024

“ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий! 2024 йилнинг иккинчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна қизгин давом этмоқда. Мустақиллик билан тенгдош миллат минбари ва овози, фахри саналимиш “Жанубий Қозоғистон” газетаси омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол ва вешдонан бажармоқда. Ҳамisha шундай бўлиб қолади. Маънавий жиҳатдан юксалиб, баркамоллик сари интилишни истасангиз, вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан беҳабар қолмай десангиз, ҳеч иккиланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига обуна бўлинг. Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси тахририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзунингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.



Президент

АВТОМОБИЛСОЗЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ORBIS KAZAKHSTAN КОМПАНИЯЛАР ГУРУҲИ АСОСЧИСИ ФАРРУХ МАҲМУДОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Фаррух Маҳмудов Orbis Kazakhstan компанияси фаолияти яқунлари ва тараққиёт истиқболлари ҳақида маълумот берди.

У Алмати индустриявий паркида тўлиқ жараёни автомобиль заводи барпо этиш режаси ҳақида маълумот берди. Лойиҳа доирасида ХХРнинг Exeed ва Kaiyi каби брендлари ягона ишлаб чиқариш майдончасида бирлашади. Хитойлик ҳамкорлар билан автомобилни бутловчи қисмлардан йиғиш бўйича шартнома имзоланди. Ушбу лойиҳага 72 миллиард тенге сармоя жалб қилинади. Дастлабки босқичда 1500та янги иш ўрни яратилади. Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 80 минг донга автомобилни ташкил этади. Маҳсулот ички ва ташқи бозорларда, жумладан, Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси мамлакатларига экспорт қилинади. Фаррух Маҳмудов компаниянинг Астана инфратузилмасини ривожлантиришдаги иштироки ҳақида ҳам маълумот берди.



Жорий йилда корхона томонидан савдо-бозор мажмуаси қурилишини яқунлаш ва кўп тармоқли тиббиёт клиникаси қурилишини бошлаш, шунингдек, Agro Park улгуржи савдо ва тақсимлаш маркази қурилишини бошлаш режалаштирилган. Компаниялар гуруҳи Алмати сайёҳлик кластерини ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга ошираётганини маълум қилди. Жанубий пойтахтнинг рамзи ва тарихий биноси ҳисобланган Almaty меҳмонхонасида реконструкция ишлари бошланди. Қўнаев шаҳрида «Просвещенец» оромгоҳи ва кўп тармоқли дам олиш маскани қурилиши давом этмоқда. Компания Фарбий Қозоғистон вилоятининг Ақсу ва Кентубек аҳоли манзилларида сув тошқини оқибатларини бартараф

этишга салмоқли ҳисса қўшди. Фаррух Маҳмудов мамлакат бизнесини доимий равишда қўллаб-қувватлаётгани учун Президентга миннатдорчилик билдирди. Қасим-Жумарт Тўқаев компания ташаббусларини ижобий баҳолаб, янги лойиҳаларни амалга оширишда муваффақиятлар тилади.

(Давоми 2-бетда).



ХАЛҚАРО БАЙРАМ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Туркистонда 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг нишонланди. «Бахтли болалик» байрам тадбирида вилоят ҳокими Дархан Сатибалди иштирок этиб, болалар билан биргаликда кўргазма ва концерт дастурини томоша қилди.

– Болаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг комил инсон сифатида камол топиши учун шароит яратиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан биридир. Бугунги фарзанд – миллатнинг эртаси, келажаги, давоми. Вилоятда болаларга шарт-шароит яратиш мақсадида соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, инфратузилмани йўлга қўйиш борасида аниқ чора-тадбирлар ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМЖИҲАТЛИК – МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни доирасида “Оилавий қадриятлар, миллатлараро тотувлик ва ватанпарварлик” мавзуда ёшлар анжумани ўтди. Тадбир Қозоғистон ўзбеклари “Дустлик” ҳамжамияти томонидан Туркистон вилояти ҳокимлиги шафелигида ташкил этилди.

Туркистон вилояти, Шимкент шаҳри, шунингдек, Қизилўрда ва Жамбил вилоятларидан 1500 нафарга яқин талаба ва фаол ёшлар иштирок этган тадбирда ҳамжиҳатлик ва ватанпарварлик туйғуларини улуғланди. Тадбир доирасида анжуман иштирокчилари Туркистон шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққан Туркистон вилояти ижтимоий тараққиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нурсултан Сейитжанов ушбу анжуманнинг ёшларни ватанпарварлик, эгамен давлат яхлитлигини асраб-авайлаш масъулияти руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).



ҚОЗОҒИСТОН ЖАҲОН МАТБУОТИДА

Май ойининг сўнгги ҳафтасида халқаро нашрларда Қозоғистон ҳақида кўплаб материаллар чоп этилди. Хусусан, Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаевнинг “Euronews”да чоп этилган мақоласи бутун дунё эътиборини тортиди. Бундан ташқари, шу ҳафтада Еврокомиссия Қозоғистондан Европа Иттифоқи мамлакатларига парвозлар бўйича барча чекловларни олиб ташлаганини, шунингдек, Қозоғистонда қайта ишлаш саноатини автоматлаштириш йўллари куриб чиқилгани ҳақида хабар берилди. Ушбу ва бошқа энг муҳим воқеалар тафсилоти билан танишинг.

Ўтган ҳафтада “Euronews” телеканали Қозоғистон Президенти Қасим-Жумарт Тўқаевнинг мақоласини чоп этди. Халқаро нашр Давлат раҳбарининг мақоласини тўлиқ тақдим этди. “Европа, Яқин Шарқ ва Африкадаги урушлар юз минглаб одамларнинг умрига зомин бўлмоқда, климат ўзгариши эса миллионлаб одамларни оч ва бошпанасиз қолдирмоқда. Ушбу дунёвий можаролар доирасида аънаваный кучлар – дунёнинг иқтисодий ва сиёсий кучлари ўртасидаги ҳамкорлик имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур”, дея нашр Қозоғистон Президенти мақоласидан иқтибос келтиради.

The Times of Central Asia: Қозоғистон ва Европа Иттифоқи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси доирасини кенгайтиришга интиломоқда

Қозоғистоннинг 18та балиқни қайта ишлаш корхонаси ўз маҳсулотларини Европа Итти-

фоқи мамлакатларига экспорт қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Нашрнинг ёзишича, Европа Иттифоқи мамлакатларига, жумладан, Германия, Нидерландия, Дания ва Литвага 11 минг тоннага яқин умумий қиймати 60 миллион долларга балиқ экспорт қилинган.

Trend: Еврокомиссия Қозоғистондан ЕИ мамлакатларига парвозлар бўйича барча чекловларни олиб ташлади

Бундай қарор Еврокомиссиянинг Парвозлар хавфсизлиги қўмитасининг Европа Иттифоқи (ЕИ) 27 давлати авиация маъмурияти вакиллари иштирокидаги йиғилиши якунида қабул қилинди. Бу ҳақда Озарбайжоннинг “Trend” агентлиги Қозоғистон Республикаси транспорт вазирлигига таяниб хабар берди.

Қозоғистон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.

ИНТИЛГАННИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД

Давлат раҳбарининг Фармонига мувофиқ, вилоят раҳбари Дархан Сатибалди вилоятнинг ҳар бир туман ва шахрида аҳоли билан очик учрашувлар ўтказмоқда. Навбатдаги йиғилиш Тўлебий туманида давом этди. Вилоят ҳоқими ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди. Келгуси режалар ҳақида сўз юритиб, асосий эътиборни туманнинг равнақиға қаратди.

– Бугун сизлар билан муҳим масалаларни муҳокама қилиш мақсадида учрашяпмиз. Президентимизнинг «Халқ овозини тингловчи давлат» концепциясини ҳаётга татбиқ этиш доирасида тумани янада ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазаларингизни тинглаш, таклифларингиз билан танишиш биз учун жуда муҳим. Қишлоқ ҳудудларини ободонлаштириш мақсадида «Қишлоқ – юрт бешиги» лойиҳаси доирасида Тўлебий туманидаги 16та аҳоли манзилида 27та лойиҳани амалга ошириш учун 3,5 миллиард тенге маблағ ажратилди. Қишлоқ аҳолисининг даромади ва фаровонлигини ошириш мақсадида 2023 йилда «Қишлоқ омонати» дастури доирасида 1 миллиард тенгега 190та лойиҳа молиялаштирилди. Тўлебий туманида жами ҳудудий маҳсулот ҳажми 2021 йилдан буён 36 фоизга ошиб, 2023 йилда 146 миллиард тенгега етди. Айрим соҳаларда йўл қўйилаётган камчиликларни очик муҳокама қилиб, уларни бартараф этиш йўлларини кўриб чиқишимиз керак. Биз энди жамоат ёки ижтимоий иш ўринлардан ташқари, янги корхоналар очишни бошлашимиз керак. Бозор иқтисодиёти шуни талаб қилмоқда. Тадбиркорлик билан шуғулланишимиз, ишлаб чиқаришни ривожлантиришимиз керак, – деди вилоят раҳбари ва ишти-



рокчиларни мамлакатимизда ўтаётган «Тоza Қозоғистон» экологик акциясида фаол иштирок этишга чақирди.

Давлат раҳбари мактабларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш юзасидан топшириқ берди. Вилоятдаги жами 330та мактабни юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш мақсадида «Старлинк» сунъий йўлдош интернет қурилмасини ўрнатиш ишлари бошланган бўлса, бугунги кунда 329та мактабга ўрнатилди. Улар орасида Тўлебий туманида режалаштирилган 20та мактабдан

19таси қўшилди. Қолган бир мактабда эса ушбу тизим август ойида ишга туширилади. Дастлабки интернет тезлиги секундида 20 мегабитдан кам бўлган бўлса, ҳозир у 200 мегабитга етди ва сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

Туман ҳоқими Тўлеген Телғараевнинг 2023-2024 йилларда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланиб, у тадбир иштирокчиларининг саволларига жавоб берди. Инфратузилма, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қурилиш ва сайёҳлик ва бошқа масалалар юзасидан савол-

лар берилиб, таклифлар билдирилди. Вилоят ҳоқими ҳар бир мурожаатнинг назоратга олиниб, улар юзасидан тегишли ишлар олиб борилишини таъкидлади. Шу билан бирга, минтақа раҳбари тумандаги долзарб муаммоларга тўхталиб, уларни ҳал қилиш борасида туман ҳоқими ва бошқарма раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берди.

Учрашувдан сўнг вилоят раҳбари шахсий қабул ўтказиб, туман аҳолисининг мурожаатларини тинглади. Маҳаллий аҳоли Нисанбек қишлоғининг номини Қапал ботир деб ўзгартиришни таклиф қилди. Бир гуруҳ тўле-

ҳудуд тозалигига масъул мутахассислар билан учрашди. ***

Вилоят ҳоқими Дархан Сатибалди туманга махсус хизмат сафари чоғида қишлоқ хўжалик соҳаси меҳнатқашлари билан учрашиб, амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди. Кемеқалган қишлоғидаги «Қазығұрт бақтары» ишлаб чиқариш ширкатининг интенсив олма боғида боғбонлар билан мулоқотда бўлди.

Шунингдек, минтақа раҳбари Қўсағаш қишлоғида барпо этилаётган 300 ўринли «Бадастир мактаб» қурилиши билан танишди, пудратчи билан уч-



бийликлар уй-жой ва инфратузилма масалалари юзасидан саволлар беришди. Сайёр қабулда ҳуқуқ-тартибот идоралари, туман, шаҳар ҳоқимлари, бошқарма раҳбарлари иштирок этиб, муаммоларни муҳокама қилишди. Вилоят раҳбари мутасаддиларга аниқ вазифалар юкллади.

Тўлебий туманига сафари доирасида вилоят ҳоқими Дархан Сатибалди

рашиб, ишларнинг боришини назорат қилди.

Вилоят ҳоқими Ленгер шахридаги «Нурли ҳаёт ва тенг ҳаёт» муассасасининг очилиш маросимида иштирок этиб, фахрийлар ва «Имконияти чекланган фуқаролар маркази» фаолияти билан танишди.

Б. ДҮСМАТОВА.

АВТОМОБИЛСОЗЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аввал хабар қилганимиздек, мамлакатимизда 2024-2028 йилларга мўлжалланган машинасозлик sanoатини ривожлантиришнинг мажмуавий режаси тасдиқланган эди.

Хўжатга кўра, мажмуавий режа доирасида бир нечта ишларни амалга ошириш керак. Хусусан, машинасозлик соҳасидаги касбий жамоалар ва корхоналар вакилларини жалб этган ҳолда амалиётга йўналтирилган ўрта касб-хунар таълими тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш кўзланган.

Индустрия вазирлигидан маълум қилишича, бу ва бошқа режалаштирилган ишлар доирасида кўйидаги натижаларга эришилади:

- 2028 йилга бориб экспорт ҳажми 5,7 миллиард долларга ошади;
- меҳнат унумдорлиги даражасининг ўсиши 81,9 минг долларга етади;
- 2028 йилга бориб тармоқнинг асосий капиталига йўналтирилган сармоялар ҳажми 138,4 миллиард тенгени ташкил этади.

Akorda.kz.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу борадаги ишлар самарасида вилоят ўқувчилари жорий ўқув йилини улкан муваффақиятлар билан якунлади. Иқтидорли фарзандларимиз халқаро, республика, илмий лойиҳа танловлари ва фан олимпиадаларида 23та олтин, 17та кумуш, 20та бронза медалини қўлга киритди. Бу вилоятимизда иқтидорли, билимли, шижоатли болалар етишиб чиқаётганидан далолатдир. Азиз болалар! Сизга сиҳат-саломатлик, тинч ҳаёт, бахтли болалик, ёзги таътилни мароқли ўтказишингизни чин дилдан тилайман, – деди вилоят раҳбари.

Ҳоқим халқаро ва республика миқёсидаги курик-танловлар, олимпиадалар, спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаб, моддий мукофот сертификатларини топширди.

Вилоятимиз янги мактаблар очишда мамлакатда биринчи

ХАЛҚАРО БАЙРАМ КЕНГ НИШОНЛАНДИ



ўринда. Давлатимиз раҳбарининг «Бадастир мактаб» миллий лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2023-2025 йилларда вилоятимизда 63та замонавий

таълим муассасаси қуриш режаланган. Жорий йилда ёзги таътилни самарали ўтказиш мақсадида вилоят бюджетидан 2,6 миллиард тенге маблағ

ажратилди. 35 минг нафардан зиёд ўқувчи бюджет маблағлари ҳисобидан, 3 минг 421 нафар ўқувчи «Қозоғистон халқига» жағфармаси ҳисобидан ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида бепул ҳордиқ чиқаради.

«Карвонсарой» сайёҳлик мажмуасида ўтказилган йиғилишда мавзуга оид кўргазма ташкил этилди. Бир вақтнинг ўзида 500 нафар мактаб ўқувчиси дўмбира чалишди. Болаларнинг амалий санъат йўналишидаги ижодий ишлари ярмаркаси уюштирилди. «Шимкент-цирк» муассасаси ва Қўғирчоқ театрининг байрамга бағишланган спектакли намойиш этилди. «Фараб» кутубхонаси болалар учун «Китоблар ёзи» китоблар кўргазмасини ташкил этди.

Байрам тадбири концерт дастурига уланиб кетди.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Қозоғистон ўзбекларининг «Дўстлик» ҳамжамияти раиси Икром Ҳошимжонов мазкур тадбирнинг аҳамиятига тўхталиб, юрт келажаги ватанпарвар ёшлар қўлида эканини таъкидлади.

– Бугунги болалар – юрт келажаги, умидимиз. Яқинда Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев олимпилар билан учрашувда ёш ва билимли фуқаролар мамлакатимизнинг асосий кучи ва жамиятдаги ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори эканлигини таъкидлади. Президентимиз: «Бугунги ёш авлод янгилаштириш жараёнида иштирок этиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан тўлиқ баҳраманд бўлиши керак. Иқтидорли, мақсадли ва меҳнатсевар ёшлар, жумладан, олимпилар замонавий Қозоғистоннинг ёрқин қиёфасидир», деди.

Дарҳақиқат, бугун ёшлар илмга интилишса, улар учун

ҲАМЖИҲАТЛИК – МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



забт этилмайдиган довлар бўлмайди. Қозоғистон бизнинг умумий уйимиз. Умумий уйимизда билимли ёшлар кўпаяверсин! Ақлли ва зукко ёшлар бор юртининг мавқеи ҳамаша юксак, келажаги порлоқ, – деди И. Ҳошимжонов.

Шунингдек, анжуманда ҚХА қошидаги Тадбиркорлар ҳамжамияти раисининг ўринбосари Абдулла Исмагуллаев, Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати депутати Алишер Сотволдиев ва Қозоғистон халқи Ассамблеяси Медиация кенгаши раиси Шерзод Пулатовлар ҳам иштирок этишди. Улар ўз касбий фаолияти ҳақида сўз юритиб, ёшларда ватанпарварлик руҳини кучайтириш борасидаги

тажрибалари билан ўртоқлашди.

Тадбир доирасида ижтимоий тармоқларда танилган имом Нурлан Байжигитули ёшлар билан суҳбат ўтказиб, уларга маслаҳат ва йўл-йўриқ берди.

Ёшлар ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга қаратилган анжуман доирасида Туркистон аҳолисига қирғизистонлик режиссёр Руслан Акуповнинг «Жаннат» фильми намойиш этилди. Фильм режиссёрига фаровонлик ва бирлик рамзи сифатида «Тойқозон» эсдалик совғаси топширилди.

Вилоят Жамоат тотувлиги ДККнинг матбуот хизмати.

» 5 июнь – Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУҲИМ



Инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланиши, узоқ йиллардан буён давом этаётган техноген муҳит экологик муаммолар келтириб чиқарди. Инсоннинг табиатга таъсирининг ортиси салбий оқибатларга олиб келмоқда. Бу, биринчи навбатда, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши йил сайин турли хасталикларни келтириб чиқармоқда. Саноат юксак ривожланган техника асрида дунё миқёсида экологик муаммолар устувор масалага айланиб бормоқда.

Бу муаммолар аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришни талаб қилмоқда. Кўчалар, бекатлар ёки дарёлар бўйига қаранг. Одамлар қолдириб кетган чиқиндилардан таъбингиз хира тортади. Келажак авлод биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшаши керак. Бунинг учун биз уларга ибрат бўлишимиз керак. Табиатга ғамхўрлик қилиш, фақат бугунни эмас, ақин ва узоқ келажақни ўйлаб иш юритишимиз зарур.

Ота-боболаримиз азалдан тупроқ, сув, табиатни муқаддас деб билган. Атроф-муҳит, ризқ-насиба берувчи тупроқ, саломатлик манбаи бўлган чексиз ўрмонлар, дарё ва кўлар, ҳатто инсон оёғи тегмаган сахро-тўқайзорлар – буларнинг барчаси бизга мерос. «Бирни кессанг, ўрни эк» деган мақол бежиз айтилмаган. Кўчат эк-

кан одамга унинг савоби тегиб туради, дейилган. Фарзанд тутилса, яхши ниятлар билан унга атаб ниҳол экилган. Халқимиз она табиатнинг янгилаши ва яшарлиқ фасли баҳорнинг илк элчиси бойчечакка ҳам озор бермаганлар. Момоларимиз «умринг узун бўлишини истасанг, бойчечакни узма. Чумоли, қушнинг уясини зинҳор бузма, гуноҳ бўлади, уйимизга ёмонлик келади. Сувга тупурма, кўр бўласан. Ёмонлик қилсанг, у бир куни бошинга бало олиб келади», деб бежиз айтмаган.

Ер – она. Унинг ҳар бир ўланисида малҳам мавжуд. «Ерни парваршиласанг, томирингга қон бўлиб киради, топтама-чаксиз лабинг узра бол бўлади», деган экан донолар. Инсоннинг доноси, оқсоқоли, даҳоси бўлганидек, табиатнинг ҳам ўз ҳаёт тажрибаси, тарихи, авлиё балиқлари, авлиё дараклари,

табаррук замини бор. «Қора тоғларинг қуламасин, сояли дарахтларинг алоҳида эътибор қаратилмоқда. Демак, ҳар бир фуқаро «Таза Қазақстан» акциясида фаол иштирок этиб, тозалик ва покизаликни таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшиши лозим. Бу барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

М. УСМОНОВА.

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИДА ҲАМЖИҲАТЛИК, БАРКАМОЛЛИК ИФОДАСИ



Давлат рамзлари куни ҳар бир мамлакат ҳамда унинг фуқаролари учун муҳим сана. Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниши, бошқа давлатларнинг байроқлари орасида ҳилпираб туришининг рамзий маъноси беқиёс. Давлатнинг мадҳияси, байроғи, герби билан бирга унинг фуқароларининг тақдири, фаровонлиги, тараққиёт эътибори мамлакатлар қаторидан эгалланган ўрни, дунёдаги макеи, макомини белгилайверади. Жорий Давлат рамзлари кунини 17-бор нишонлаяпмиз.

Ватанпарварликни англаш – ижтимоий тармоқларда мовий байроғимизга ўраниб олиб, фақат эсдалик учун суратга тушиб, минглаб обуначиларга тарқатиш ёки темир улвига кичик байроқни ўрнатиб, йўловчиларга ватанпарварлик туйғусини эслатишдан иборат эмас. Унинг моҳияти янада чуқурроқ, рамзларнинг ортида намоён бўладиган Қозғоғистон фуқароси номига маънавий мос ва хослигимизда, муносиблигимиздадир.

Қозғоғистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжонов ташаббуси билан ўтказилаётган йирик тадбирлар табиийки, Давлат рамзлари билан боғлиқ.

– Икром Ақром ўгли, Қозғоғистонда турли миллат вакиллари билан ҳамжамияти, давлатимиздаги сиёсий барқарорликнинг ўрнатилишида сиз раҳбарлик қилаётган жамоанинг сермахият фаолияти улкан аҳамиятга молик. Ҳаётингиз ҳамда фаолиятингиз давомида давлат рамзларининг моҳияти ҳамда улар билан боғлиқ ўзига хос воқеаларга тўхталсангиз.

– Ҳар бир қозғоғистонлик Давлат рамзларини мустақиллик қадриятлари, деб қабул қилиши ва уларга бўлган муносабати ҳам шунга муносиб бўлиши жоиз. Афсуски, орамизда сиёсий онги паст одамларнинг рамзларимизга ҳурматсизлик кўрсатган ҳолатларига ҳам гувоҳ бўлганмиз, бу жуда ачинарли. Агар биз ўз давлатимиз рамзларини эъзозлашмасак, уларни ким эъзозлайди? Ахир давлатимиз ҳам, унинг жаҳон ҳамжамиятига танитадиган рамзлари ҳам бизларники-ку. Байроғимиз, гербимизнинг ўрнатилиши жойлари, тартиби ҳам аниқ белгилаб берилган. 1994 йили Х. Мунайтов номдаги марказий ўйингоҳга спорт ва тижорат масалалари бўйича директор ўринбосари этиб тайинланганидан эътиборан давлат миқёсидаги нуфузли мусобақалар ўтказила бошлаганига гувоҳман. Футбол мавсуми бошланиб, унинг ёпилишида мадҳиямиз янграб, давлат байроғи кўтариларди. Мадҳиямиз янграётганда, қалбларимизни ўзгача бир ҳаяжон чулғаб олади. Мадҳияга хос руҳнинг муҳимлигини аниқлашга ажаб-

мас. Мустақиллик йилларидан сўнг нафис шойидан тайёрланган байроқни олиб сафарга чиқанимда ёнимда олиб юраман. Унга ҳам салкам йигирма йил бўлди. Қайси мамлакатга бормай, у менга йўлдош.

Тугимиз билан бирга Москва

қурбонларини хотирлаш маросимлари ҳам бундан мустасно эмас. Яқинда Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиб қайтдик. У билан бирга жуда кўп яхши хотиралар бор ва бизга ҳамроҳлик қилаётганидан беҳад хурсандман, унинг хайрли жиҳатлари ҳам айнан ҳамжиҳатлик рамзи бўлса ажаб эмас.

Давлат рамзларининг қалбларимизга шуқуҳини, айниқса, спортчиларимиз ўзгача ҳис қилишади.

Боксдан икки карра Осиё чемпиони Санжарали Бегалиев навбатдаги ғалабадан сўнг ҚР Бокс Федерацияси қозғоғистонлик голиблар учун Дубайга уюштирилган саёҳат-ҳордиқ чоғида у билан ижтимоий тармоқ орқали боғланиб, эришган ютуқлари билан табрикладик ҳамда Давлат рамзлари кунининг моҳияти ҳақида сўрадик.

Ёдингизда бўлса, Астана шаҳрида ўтган Осиё чемпионатида жаҳоннинг 35 мамлакатидан 500дан зиёд чарм кўлқоп усталари иштирок этган беллашувда 75 кг. вазн тоифасида Шимкент шаҳри, Турдиобод мавзесида истиқомат қилувчи Е. Юсупов номли мактаб ўқувчиси Санжарали Бегалиев олтин медаль соҳиби бўлганди. Ёшлар ўртасида иккинчи бор Осиё чемпионлигини кўлга киритган спортчи ҳамда унинг оиласини Шимкент шаҳар, Енбекши тумани ҳокими Дўсбўл Куздиқбайули қабул қилиб, спорт соҳасида кўлга киритган ютуқлари билан табриклаган эди.

– 2018 йили Шимкент шаҳар чемпионатида кўлга киритилган ғалаба мени спортга руҳлантирган, – дейди Санжарали суҳбатда.

– Мадрҳия ижро этилиши ҳамда байроғимизнинг кўтарилиши қалбларимиздаги ҳаяжон билан беллашув бошланади. Сўнги бор Осиё ўйинларида 6 май куни кўлга киритган ғалаба тўғрисида маълумот берганимиз мағрур ҳилпиради ва Қозғоғистон мадрҳияси ижро этилди. Бу пайтдаги шуқуҳ, фахр, шодлик ва машаққатли меҳнатинг эвазига кўлга киритилган ғалаба учун шуқуҳна ҳиссини ифодалашга ожизман. Барча спортчиларимизга шундай онлар насиб этсин. Спорт билан 13 ёшимдан шугулланаман. Ғалабага эришиш учун ҳар кун спорт залда 6-7 соатлаб тинимсиз жисмоний машқ қилиш жоиз, истеъмол қилаётган таомларингизга ҳам эътибор бўлишимиз талаб этилади. Газли ичимликлар истеъмолни умуман тақиқланади. Жорий йилда мактабни тамомлапман, сўнги кўнгироққа боролмадим, федерациямиз уюштирган саёҳатдаман. Орзуим – Хорватияда ўтадиган бокс бўйича Жаҳон чемпионатида иштирок этиб, ғалабани кўлга киритиш. 2028 йилда Лос-Анжелесда ўтадиган олимпиада ўйинларида ҳам голиблик шарафига муяссар бўлиш, бокс бўйича халқаро тоғфадаги спорт усталлигига эришиш.

– Давлат рамзлари куни барчамизга муборак бўлсин! Айниқса, сиз каби тугимизни юксалтириб, мадрҳиямизни янгратаётган, кўксиде Ватан деган муборак туйғунинг гард юқтирмай олиб юришини шараф деб билган ўғлонларимизнинг сафи кенгайверсин. Бу Янги Қозғоғистонни барпо этишга сидқидилдан интилаётган мардона халқимизнинг умумий байрамидир.

М. САЪДУЛЛАЕВА.



ВАТАНИ СЕВМОҚ – ИЙМОНДАНДИР

2007 йили 4 июнь куни Мамлакатимизда “ҚР Давлат рамзлари тўғрисида” Конституциявий қонуни қабул қилинди. Унга мувофиқ, ҳар йили 4 июнь куни Қозғоғистон Республикасида Давлат рамзлари куни байрам сифатида кенг нишонланади.



Давлат рамзлари – Мустақил мамлакатимизнинг эгаменлиги билан яхлитлигини ифодаловчи тимсоллардир. Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадрҳиясига ҳурмат ва эҳтиромни ёш авлодга теран тарғиб қилиш, тушунтириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Қозғоғистон Республикаси Президентини жаҳон давлатлари сафарларида тантанали кутиб олиш пайтида давлат мадрҳияси ижро этилиб, давлат байроғи кўтариларди. Иқтидорли спортчиларимиз жаҳон миқёсида ғалабага эришганларида ҳам давлат байроғи кўтарилиб, давлат мадрҳияси ижро этилади. Шу онларда мустақил Қозғоғистон фуқароси эканлигимиздан беихтиёр гурурланиб, қалбимиз чексиз ватанпарварлик, ифтихор туйғуларига тўлади.

Давлат рамзларига ҳурмат – ватанпар-

варлик, она заминга эҳтиром ифодасидир. Фақат мактабда эмас ҳар бир оилада ота-оналар фарзандларига давлат рамзларига ҳурмат туйғусини шакллантириб, тарбия бериши зарур. Шаҳар бедарвоза эмас. Давлат рамзларига нисбатан эътиборсизлик, такаббурлик каби камчилик ва иллатлар қонун бўйича муқаррар жазоланишини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Барча юртдошларимизни Давлат рамзлари куни байрами билан муборакбод этаман. Мустақил Қозғоғистоннинг тараққиёти, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини мустақамлашга барчамиз муносиб ҳисса қўшайлик.

Санобор САМИЕВА,
Кентов шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси,
қонуншунос.

РАМЗЛАРИМИЗ – ИФТИХОРИМИЗ

Давлат рамзлари – гуруримиз, фахримиз, таъбир жоиз бўлса, шаънимиздир. Ота-боболаримиз байроқ кўтариб, душманга қарши курашганлар. Байроқни кўтариш – ғалаба белгиси эди. Жунгор босқинчилари устидан қозонилган ғалаба, немис фашистларини мағлуб этишда Ватанимиз байроғи сарбаланд этилган. Аждодларимиз жангларида байроқнинг душман кўлига тушиб қолмаслиги учун жонларини фидо қилишган.

Давлат рамзларига ҳурмат Қозғоғистон Республикаси қонунлари билан амалга оширилади. Биз қонунга қўрққанамиздан эмас, мамлакат фуқароси сифатида тартибга риоя қилиш фуқаролик бурчимиз бўлгани учун бўйсинамиз.

Давлат рамзларини ҳурмат қилиш фуқаролик тарбиянинг ажралмас қисми – ҳуқуқий, ватанпарварлик, ахлоқий бурчимиздир. Бугунги кунда бунга яна бир бор гувоҳ бўлмоқдамиз. Давлат рамзларига маънавий-ахлоқий қадриятлар сифатидаги муносабатлар онгимизни, ҳис-туйғуларимизни тарбиялайди, ҳаракатларимизни бошқаради.

Ватан олдидаги фуқаролик бурчимизни адо этиш учун биз, Қозғоғистон фуқаролари, давлат байроғини сарбаланд қилмоғимиз, давлат мустақам қарор топишига ҳисса қўшишимиз зарур. Иқтисодий, ижтимоий, маданий, илм-фан, таълим, спорт, керак бўлса, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кучли бўлсак, элимиз ва бошқа мамлакатларда фаолият юритаётган барча муассасаларда, тадбирлар, қаларида байроғимиз юксакларда ҳилпирайди.

Ҳар бир Қозғоғистон фуқароси Қозғоғистоннинг бош биносиде, виллоятларнинг асосий биноларида, баланд жойларда ўрнатилган Қозғоғистон Республикасининг байроғи учун масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Давлат байроғининг нуфузи мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланиши, барқарорлиги, миллий бирдамлиги, мамлакатнинг халқаро шаъни билан белгиланади.

Бугунги кунда ўқувчи ва талабалар сифати таълим тарбия олиши, интизоми, келажак касбини пухта эгаллаши, профессор-ўқитувчи раъса вазифаларини сифатли бажаришлари, илм-фан ва жамоат ишларида эришган ютуқлари, олий таълим муассасаларининг сифатли ташкил этишлари билан таъминланади.

Давлат рамзлари миллий ва маънавий қадриятимизнинг ажралмас қисмидир. Бу қадрият миллий миқёсда ва жамоатчилик онгида ҳар бир оила ва фуқаро учун шахсий мазмунга эга. Давлат байроғининг белгилари, ранги, тимсоллари (рамз белгилари) – мовий ранг, қуёш, бургут – буларнинг барчаси фуқаролик онгимизни шакллантиради, биз учун муҳим ва мазмунли қадрият йўналишларидир. Бу тимсоллар Қозғоғистон давлатчилигининг асосий сиёсий йўналиши, миллий қадриятларни белгилайди.

Давлат рамзлари алоҳида ахлоқий туйғуларни шакллантиради ва тарбиялайди. Ҳар гал мовий байроғимизга эътибор қаратганимизда қалбимизда Ватанимиз, эришаётган ютуқларимиз учун фахр-ифтихор, истиқлолимиз учун яратганга чексиз шуқуҳналик, жони-



ни аямаган, фидоий бўлган аждодларимиз руҳига чуқур ҳурмат-эҳтиром, тараққиётнинг янги марраларига интилиш, Ватанга беғараз хизмат қилишга тайёрлик, эртанги кунга, ёруғ келажакка ишонч каби қимматли маънавий туйғулар пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг хорижий давлатларга ташрифи чоғидаги қабул маросимларида, кўчаларда, бош саройларда миллий рамзларимиз ҳилпираб турганидан бошимиз осмонга етади.

Давлатимиз мадрҳияси янграганида элимиз байроғини кўтарган спортчиларимизнинг чехрасига эътибор берган бўлсангиз керак. Уларнинг ўша пайтдаги ҳис-туйғулари ҳақида нима дея оласиз? Сиз ҳам худди шундай ҳисни бошдан кечирасиз, шундай эмасми? Бу ахлоқий туйғулар бизни аниқ ҳаракатлар ва муваффақиятларга ундайди.

Давлат рамзлари буюк ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий маънони ифодаловчи қадриятларимиздир. Она замин, Ватан, оила, она тили, миллий урф-одатлар каби бу қадриятлар қон-қонимизга сингиб кетган, ажралмас қадриятларимиздир.

Давлат рамзлари куни муборак бўлсин!

Неъматжон АЛМЕТОВ,
М. Ауезов номидаги
Жанубий Қозғоғистон
университети
профессори, педагогика
фанлари доктори.

**Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазжон БҮРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Туллубий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазғурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.
Туллубий – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34ҲҲУ0022503 сувоҳнома берилган.

«ERNUR» МҲБ Босмахонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11400 нусха.

Бўғорма 1344.

Набатчи муҳаррир: Хуршид ҚҮЧҚОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Шамхат ХОЛМУРОДОВ:

“МАСЛАҲАТНИНГ ТУМАН ТАРАҚҚИЁТИДА МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР...”

Жорий йил турли даражадаги маслаҳатлар ташкил этилганининг 30 йиллиги нишонланади. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён маслаҳатларга саккиз марта сайловлар ўтказилди. Давлат бошқарувида ўзига хос мавқега эга орган – маслаҳатларнинг шонли тарихини Сайрам туман маслаҳатининг фаолияти мисолида кўриш мумкин. Туман маслаҳати раиси Шамхат ХОЛМУРОДОВ билан уюштирилган суҳбат ушбу мавзуга бағишланди.



Шамхат Холмуродов – VII ва VIII қақриқ Сайрам туман маслаҳати раиси.

– Шамхат Рўзақул ўғли, бугунги кунда туман маслаҳати ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари орасидаги алоқалар, туман маслаҳатининг 30 йиллик фаолияти ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз...

– Маслаҳат туманнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, халқ фаровонлигини юксалтириш, ҚР Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, Президентимиз Қ. Тўқаевнинг ҳар йилги Мақтублари асосида сайловчиларнинг талаб ва таклифлари ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмақда. Маълумки, маслаҳатнинг асосий иш шакли сессия ҳисобланади. Жорий йилда туман маслаҳатининг 16та сессияси ўтиб, юздан зиёд қарорлар қабул қилинди.

Қозоғистон Республикасининг “Ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни асосида ҳуқуқий меъёрларга тааллуқли йигирмадан зиёд қарорлар ақлия органларида рўйхатга олиниб, Республика ҳуқуқий ахборот марказига йўлланди.

Туман маслаҳатининг барча меъёр-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш, режалаштириш масалалари туман ижро ҳокимияти ва Жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Маслаҳатлар ташкил этилгандан буён ўтган 30 йил мобайнида Сайрам туманида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, кўплаб долзарб муаммолар ҳал этилди. Ўтган даврда маслаҳатга сайланган депутатларнинг самарали хизматидан ҳамюртларимиз бохабар. Депутатларнинг ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш борасидаги истиқболли режаларни ҳамда турли соҳаларга оид дастурларни ҳаётга татбиқ этишдаги ҳиссалари залворли.

лар халқ билан яқин алоқада фаолият юритдилар.

Депутатлар жамият эҳтиёжлари билан боғлиқ долзарб масалаларни ўз вақтида кўтариб, сессия муҳокамасига тақдим этишди ва тегишли қарорлар қабул қилинишига ҳисса қўшдилар. Асосий эътибор туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қаратилди. Қабулланган дастурлар доирасида қишлоқ ҳудудларини ободонлаштириш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, халқ фаровонлигини оширишга устувор аҳамият берилди. Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш, ишсизликни камайтириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасидаги ишлар ҳар томонлама кўллаб-қувватланди, давлат маблағлари зарур соҳаларга йўналтирилди.

Сессияларга тайёргарлик кўриш, депутатлик сўровларини кўриб чиқиш, доимий комиссияларда жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш борасида ижобий тажрибалар тўпланди. Шу билан бирга, вилоятнинг бошқа туманлари билан ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилди. Ана шундай кенг кўламли ишлар туфайли маслаҳат халқ ҳокимиятининг марказига айланди, унинг ижро ҳокимияти органлари, маҳаллий ташкилотлар, сайловчилар билан муносабатлари жонланди.

Туман маслаҳатининг II қақриқ биринчи сессияси 1999 йил 1 ноябрда ўтди. Яширин овоз бериш йўли билан Каримжон Юсвалиев – маслаҳат котиби,

Нурсейит Бўрибеков – туман бюджет, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт масалалари бўйича доимий комиссия раиси, Йўлдошбек Ҳалимжонов – депутатлик ваколати ва депутат этикаси масала-

лар комиссиялари тарқатилиб, янгидан экология ва қурилиш, туман бюджети ва бюджетни шакллантириш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш, ички сибсат, ижтимоий тараққиёт ва депутат этикаси комиссиялари тузилди.

Депутатлар, ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий-маданий соҳалардаги долзарб масалаларни сессия муҳокамасига тақдим этиб, уларнинг ижобий ҳал этилишига ҳисса қўшдилар. Бу борада Кумисбек Ҳўрашев, Батирбек Зиятаев, Айдар Дўсболлов, Бауржан Нисанов, Равшан Ҳайитенов, Равшан Шодиев каби фаол депутатларнинг сайёҳаракатлари таҳсинга сазовор.

Халқнинг бошқарув тизимидаги фаол иштирокини янада такомиллаштириш мақсадида Қозоғистон Республикаси Конституциясида маҳаллий вакиллик органларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, маслаҳатларнинг ваколатлари кенгайтирилди, эндиликда маслаҳат депутатлари 5 йил муддатга сайланадиган бўлди. Бюджет маблағларини назорат қилиш, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимини шакллантириш бўйича маслаҳат тафтиш комиссиялари фаолиятини кучайтириш масаласи маслаҳатлар зиммасига юклатилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда демократик ислохотлар амалга оширилаётганининг ёрқин ифодаси сифатида – 2006 йилдан ҳокимларнинг тегишли маслаҳат депутатлари олдига ҳисобот бериш тизими жорий этилди.

2012 йил 15 январда ўтган сайлов натижаларига кўра, 24 сайлов округи бўйича Сайрам туман маслаҳати депутатлари этиб Батирбек Зиятаев, Ержигит Шарипбеков, Акмалжон Исоқов, Едилбай Беркинбаев, Расилбек Жўлибеков,

бўйича маълумотномалар берилди ва улар асосида сессия қарорлари ишлаб чиқилади. Бунда қабул қилинаётган қарорларнинг сифати ва мазмунини, яъни уларнинг Қозоғистон Республикаси Қонуни тараққиётига жавоб бериши инobatга олинади.

Сессиялар ўтказилгандан сўнг туман маслаҳати қарорлари белгиланган тартибда Ақлия вазириликнинг ҳудудий бошқармаларида рўйхатга олинади ва туман газеталарида эълон қилинади. Сўнгги йилларда туман маслаҳати сессияларида қабул қилинган қарорларнинг кўпчилиги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунийлаштириш талаблари асосида ўз вақтида давлат рўйхатидан ўтказилмоқда. 2013 йилдан давлат рўйхатидан ўтказилиши зарур бўлган қарорлар лойиҳаси уюшган жиноятчилик ҳаракатларига қарши илмий таҳлилдан ўтди ва ижобий ҳулоса бўлса, қарорлар лойиҳаси сессия муҳокамасига йўлланди.

– Депутатларнинг бугунги фаолиятига тўхтагангиз...

– Сайрам туман маслаҳати депутатлари сайловчиларнинг талаб ва истакларини бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Асосийси, депутатлар томонидан олиб борилаётган тадбирларнинг ўз даражасида ташкил этилишидир. Сессия муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлаш ва қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашда депутатлар ва девон ходимларининг ҳамкорликдаги фаолиятини таъкидлаш жоиз. Депутатлар учун семинарлар ўтказилиб, уларнинг бурч ва ҳуқуқлари тушунтирилди, шунингдек, савол йўллаш, жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш тартиби ва доимий комиссияларнинг иш тартиби

мактабга тайёрлашга кўмаклашмоқдалар. Қолаверса, улар туманда ногирон болаларни реабилитация қилиш дастурини амалга оширишга ҳам ўз ҳиссасини қўшишмоқда. Туман маслаҳати девони ходимлари депутатларнинг ваколатларини амалга ошириш, уларнинг фаоллигини таъминлаш борасида зарур ишларни ташкил этишмоқда.

Девоннинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, депутатлар билан ишлаш учун зарур замонавий техника воситалари билан тўлиқ таъминланди. Компьютерлар электрон почта ва интернетга ulangан, ижтимоий тармоқлардан ташқари, туман ҳокимлигининг веб-сайти очилиб, у ерда туман маслаҳати котибининг блоги фаолият юритмоқда. Туман фуқаролари ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан масъул котиб ва девон ходимларига мурожаат қилишлари мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, туман маслаҳати девониде хизмат қилган ва қилаётган Ўнгарбек Жўлдасбекули, Олимжон Эргешов, Гулдана Азимханова, Саулеш Байменова, Шўлпан Тилевова, Сулушай Қайранова, Дина Ахтанова, Ҳамидулла Ёқубов, Алтинбек Абилдаев, Жўрабек Кенжебаев, А. Ниёзов, Нурсейит Бўрибеков, Жамбил Беркинбаев, Амирхан Сейдуанов, Гулнар Бегалиева, Султон Базарбаев, Шалқар Сақендеров каби ходимларнинг номини эслайтиб ўтиш ўринли.

– Депутатларнинг фаолиятдан мамнунмисиз?

– Албатта, депутатларимизнинг тумани тараққиёт эттириш борасидаги саъий-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сайрам тумани ҳокими А. Сабитовнинг халқ билан ўтказган учрашувлари

САЙРАМ ТУМАН МАСЛАҲАТИНИНГ КОТИБЛАРИ



Жўлдасбек Ўнгарбек – I қақриқ Сайрам туман маслаҳати котиби.



Каримжон Юсвалиев – II қақриқ Сайрам туман маслаҳати котиби.



Йўлдошбек Ҳалимжонов – III қақриқ Сайрам туман маслаҳати котиби.



Талгат Тўлендиев – IV қақриқ Сайрам туман маслаҳати котиби.



Кумисбек Ҳўрашов – V қақриқ Сайрам туман маслаҳати котиби.



Сихимбай Сағиндиқов – VI қақриқ Сайрам туман маслаҳати котиби.



Жансерик Мусахан – VII-VI қақриқ туман маслаҳати котиби.

Туман маслаҳатининг фаолияти ҳам элимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Мустақиллик йилларида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида ҳам ўзгаришлар содир бўлди.

1993 йил 9 декабрда ҚРнинг “Қозоғистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ваколатларини муддатидан аввал тўхтатиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган, барча даражадаги Кенгашлар тарқатилди ва уларнинг ўрнига маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органи – маслаҳат-йигилишлар ташкил этилди. ҚРнинг 1993 йил 8 декабрдаги “Қозоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва маҳаллий вакиллик органлари депутатларини сайлаш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган, 1994 йил 7 мартга маслаҳат-йигилишлар депутатлари сайлови белгиланди ва у янги демократик тамойиллар асосида амалга оширилди. Сайланган депутатлар сони 1993 йили 10 декабрда қабулланган “Қозоғистон Республикасининг маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланди.

Унга кўра, Сайрам туман маслаҳатига 24 нафар депутат сайланди. Биринчи сессияда улар янги давлат ҳокимияти органи – маслаҳат таркибини тўздилар. Шунингдек, тафтиш комиссияси ва учта доимий комиссия аъзолари сайланди. Ўнгарбек Жўлдасбекули – биринчи қақриқ маслаҳат котиби, Собиржон Комиллов – тафтиш комиссияси раиси, Озодбек Жамолов – депутатлик ваколати ва депутат этикаси масалалари бўйича доимий комиссия раиси, Амангелди Қабилбеков – давлат ҳуқуқи, қонунийлик ва фуқаролар ҳуқуқи ҳамда эркинлигини ҳимоя қилиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси, Александр Морозов – туман бюджети, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт масалалари бўйича доимий комиссия раиси этиб сайланди. Ориф Содиқов, Йўлдошбек Ҳалимжонов, Махамбай Эгембердиев, Исраил Бектаев, Александр Морозов, Ирасили Усмонов, Сайдазимхон Эралиев, Эргаш Сармонов, Ерсинбек Сидиков, Дилдабек Медеуов, Мурод Бойметов каби депутат-

лари бўйича доимий комиссия раиси, Бахит Сулайменов – давлат ҳуқуқийлиги, қонунийлик ва фуқаролар ҳуқуқи ва эркинликларини муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси, Сулушай Қайранова – тафтиш комиссияси раисаси этиб сайландилар. Ушбу қақриқда маслаҳатга ўз фикрига эга фаол депутатлар келди.

2001 йили январда ҚРнинг «Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди ва унга мувофиқ ваколатли органининг номи маслаҳат деб ўзгартирилди.

Туман маслаҳатининг III қақриқ биринчи сессияси 2003 йил 17 октябрда ўтди. Сессияда депутатлар бир овоздан Йўлдошбек Ҳалимжоновни маслаҳат котиби этиб сайладилар. Мазкур қақриқда фаол хотин-қиз депутатлар сони ортди. Масалан, Азиза Қўрманбаева, Аққу Тайжановалар қизгин фаолияти билан юрт фаровонлигига салмоқли ҳисса қўшдилар. Сайдазимхон Эралиев – туман бюджети, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт масалалари бўйича доимий комиссия раиси, Амангелди Қабилбеков – депутатлик ваколати ва депутатлик этикаси бўйича комиссия раиси, Султон Абдираимов – давлат ҳуқуқийлиги, фуқаролар ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича комиссия раиси, Сулушай Қайранова – тафтиш комиссияси раисаси этиб сайландилар.

2007 йил 12 сентябрда ўтган IV қақриқ туман маслаҳатининг биринчи сессиясида 23-сонли Қорасув сайлов округидан депутат Талгат Тўлендиев Сайрам туман маслаҳати котиби этиб сайланди.

IV қақриқ депутатлари таркиби ишбилармонлар, билимли ва малакали тадбиркорлар, туман ҳаётидан хабардор, қишлоқ ҳўжалиги ва тиббиёт соҳаларини яхши биладиган мутахассислардан ташкил топди.

2010 йил декабрь ойида ўтган сессияда Т. Тўлендиевнинг тақлифига кўра, туман маслаҳати доимий комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида туман маслаҳатининг доимий

Айдар Дўсболлов, Абдуқаҳҳор Ҳасанов, Муҳиддин Сиддиқов, Равшанбек Ҳайтенов, Охунжон Ҳожиметов, Кумисбек Ҳўрашовлар сайланди. V қақриқда Кумисбек Ҳўрашов, V-VI қақриқларда Жансерик Мусахан туман маслаҳатига котиблик қилишди.

– Сайрам туман маслаҳатининг бугунги кундаги фаолиятида асосий эътиборда қандай масалалар турибди?

– Туман маслаҳати депутатлари атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш, ветеринария, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа кўплаб масалаларни ҳаётга тадбиқ этишда улкан ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Шунингдек, туман маслаҳати сессиясида қабул қилинган ҳар бир қарор назорат қилиниб, уларнинг ижроси юзасидан ҳисоботлар тингланади. Бунинг ўзи вакиллик ва ижро органларини ҳамжиҳатликда ишлашга сафарбар этиб, аҳолини амалга оширилган ишлардан хабардор қилмоқда.

Туман маслаҳати ўз фаолиятини сайловчилар ва депутатларнинг таклифлари асосида юритади. Мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирди. Мана шу оғир даврда, биринчи навбатда, иқтисодиётни юксалтиришга эътибор қаратилди ва мамлакатимизнинг йирик ишлаб чиқариш қувватларига хорижий сармоялар жалб қилинди.

Бугунги кунда инновацион лойиҳалар мўҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун келажакда иқтисодиётнинг янги тармоқлари шакллантирилади. Энг аввало, мультимедиа, нано ва коинот технологиялари, робототехника, ген муҳандислиги, шунингдек, келажак энергиясини излаш ва кашф этишга эътибор қаратилади.

Доимий комиссиялар йиғилишлари ва сессияларни ўз даражасида тайёрлашда туман маслаҳати девонининг хизмати бекиёс. Сессияда муҳокама қилинадиган масалаларни тайёрлаш бўйича муваққат комиссия тузилиб, текширув натижалари

тўғрисида маълумотлар берилди, Сайрам туман маслаҳатининг регламенти тасдиқланди.

ҚРнинг “Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддаси талабларига мувофиқ, депутатлар ўз сайлов округидаги сайловчилар билан доимий алоқада бўлиб, фаолият юритаётган доимий комиссиялар ва бошқа органлар, маслаҳат қарорларининг ижроси, шунингдек, депутатлик фаолияти тўғрисида бир йилда камда бир марта улар олдига ҳисобот беришмоқда.

Бундан ташқари, сессияда туман маслаҳати доимий комиссиялари раислари йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот беришмоқда. Туман маслаҳатининг депутатлари фаоллик кўрсатиб, сайловчиларнинг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш учун иш услуб ва турларини такомиллаштиришмоқда.

Улар жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этишмоқда. Сайрам тумани ҳокимлиги ҳузуридида “Ер масалалари” комиссияси, “Бюджет комиссияси” ҳамда “Уюшган жиноятчиликка қарши кураш” жамоатчилиги кенгаши раислигига сайланган туман маслаҳати депутатлари ўз ваколатларини амалга ошириб, сайловчиларнинг таклифлари асосида қатор масалалар кўтарилди.

Тадбиркор депутатлар А. Дўсбўлов, Б. Зиятаев, А. Ҳасанов, А. Исоқов, З. Баратова, А. Бекенов, Ж. Сулейменов, Т. Ҳўрашов, С. Сафаров, Н. Сулаймоновлар ҳам туман аҳлининг ижтимоий аҳолини яхшилашга ҳисса қўшдилар. Депутатлар ўзларининг сайловолди дастурларини, сайловчилар билан учрашувда билдирилган талаб ва истакларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан туман ижро ҳокимияти органлари олдига вазифалар қўйишмоқда. Туманда ўтказилаётган тадбирларда барча депутатлар иштирок этишмоқда. Жумладан, улар ҳар йили уюштириладиган “Мақтаба йўл”, “Бола-лар кучи” тадбирларида иштирок этиб, кам таъминланган оила фарзандларини

рида туман маслаҳати депутатлари ҳам иштирок этиб, фаоллик кўрсатишмоқда.

Маслаҳат депутатлари Сайрам тумани миқёсида ўтказиладиган барча маданий-оммавий ва хайрия тадбирларида иштирок этмоқдалар. Депутатлар ўзлари яшайдиган аҳоли манзилидаги долзарб масалалардан воқиф. Шунинг учун ҳам улар қаерда бўлмасин, ўзлари сайланган округ аҳолисининг хоҳиш-иродасини ифодалашади ва фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадilar. Жумладан, Асанали Керимов, Нуржан Абдиқадиров, Алмас Абдиқадиров, Абдирасул Юсупов, Фанишер Раимқулов, Достон Анортеев, Бобуржон Қўрғонов, Муҳиддин Сиддиқов, Қуаниш Сиздиқов, Камалиддин Тажиев, Дархан Айдарханов, Ержан Асқаров, Сихимбай Сағиндиқов, Бекжан Алимжанов, Қадирбек Қуатбеков, Бекзод Сайдирахимов, Мунаввар Убайдуллаева, Мадияр Мадалиев, Абзал Қазанқалпов, Нурлан Қаратаев, Ирис-давлат Қурбанов, Мақсат Жўлишибеков, Марат Далбеков, Арман Қалдибек каби жонқуяр депутатларимизнинг номини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маслаҳат депутатлари туманда ўтказилаётган барча хайрия тадбирларида иштирок этиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, ёлғиз қарияларга ёрдам кўрсатишмоқда. Жумладан, жорий йилнинг баҳорда мамлакатимизнинг бир қанча вилоятларида содир бўлган табиий офат ва сув тошқинидан жабр кўрган фуқароларга ёрдам қўлини чўзиб, ҳомилийк қилдилар.

– “Жанубий Қозоғистон” газетасига тилкаларингиз...

– Газета – халқ минбари. Ушбу нашр орқали бугунги кунда она тилимизни ривожлантириш имкониятига эгамиз. Тахририят жамоасига муваффақият тилаймиз! Туман маслаҳати депутатлари ҳам обунага ўз ҳиссаларини қўшдилар.

– Суҳбат учун ташаккур! Эл равнақи йўлидаги фаолиятингизда омад ва зафарлар тилаб қоламиз!

З. МҮМИНЖОНОВ.